

**“Ангрен логистика маркази” АЖ**  
**кузатув кенгашининг 3-сонли йиғилиш баёни**

**Ўтказиш санаси:** 2023 йил 28 ноябрь

**Ўтказиш жойи:** Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Ипак йўли кўчаси, 1-уй.  
“Ангрен логистика маркази” АЖнинг маъмурий биноси.

**Ўтказиш вақти:** Соат 11:00 да.

**Йиғилишда иштирок этган кузатув кенгаши аъзолари:**

- |    |                               |                        |
|----|-------------------------------|------------------------|
| 1. | Рустамов Бахтиёр Равшанович   | кузатув кенгаши раиси  |
| 2. | Алибеков Тимур Абдумухторович | кузатув кенгаши аъзоси |
| 3. | Бойсинов Жасур Хасанович      | кузатув кенгаши аъзоси |
| 4. | Абдикаримов Шавкат Озодович   | кузатув кенгаши аъзоси |
| 5. | Асроров Умит Саттор ўғли      | кузатув кенгаши аъзоси |

**Йиғилишга таклиф қилинганлар:**

- |    |                               |   |
|----|-------------------------------|---|
| 1. | Абдураимов Ботир Тураевич.    | “Ангрен логистика маркази” АЖ Бош директори |
| 2. | Холжуманова Зебинисо Душаевна | “Ангрен логистика маркази” АЖ Бош ҳисобчиси |

**Кузатув кенгашининг йиғилиши кун тартиби:**

1.	“Ангрен логистика маркази” АЖ ижро органининг 2023 йил учинчи чорақдаги молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича ҳисоботини эшитиш тўғрисида.
2.	“Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2024 йил учун бизнес-режасини маъқуллаш тўғрисида.
3.	Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ мажбурий аудит текшируви ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларини молиялаштириш миқдорини белгилаш тўғрисида.
4.	“Ангрен логистика маркази” АЖнинг ички аудит хизмати ходимлигига номзодларни кўриб чиқиш учун қайта танлов ўтказиш тўғрисида.
5.	“Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодларни кўриб чиқиш учун қайта танлов ўтказиш тўғрисида.
6.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 июлдаги 5197-сонли “Электрон онлайн-аукционни ўтказиш тартибини соддалаштириш, унинг шаффофлигини ошириш ҳамда иштирокчилар ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини кафолатлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини ташкиллаштириш тўғрисида.

Йиғилишда кузатув кенгаши аъзоларини 5 нафар аъзосидан 5 нафари, 100% иштирок этаётганлиги сабабли йиғилишни ўтказиш учун етарли кворум мавжуд. Йиғилиш очик деб эълон қилинди.

**1. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖ ижро органининг 2023 йил учинчи чорақдаги молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича ҳисоботини эшитиш тўғрисида”ги биринчи масала юзасидан Т.Алибеков сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 декабрдаги 1013-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат иштирокидаги корхоналарнинг молиявий-иқтисодий ҳолати таҳлилини ўтказиш Регламенти”га асосан Давлат активларини бошқариш агентлигининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан жамиятнинг 2023 йил учинчи чорақдаги молиявий ҳолати таҳлил қилинганлигини ва Давлат активларини бошқариш агентлигини веб-сайтига ([kpi.davaktiv.uz](http://kpi.davaktiv.uz)) жойлаштирилган жамият ижроия органининг самарадорлик**



муҳим кўрсаткичи (СМК) 100,1 фозни, яъни етарли даражада ташкил этганлиги қайд этилган бўлсада, жамиятнинг паст рентабеллиги, асосий воситалари эскирганлиги аниқланганлиги тўғрисида маълумот берди ва шу муносабат билан жамият ижроия органининг 2023 йил учинчи чорак яқунлари бўйича ҳисоботини танқидий кўриб чиқишни таклиф қилди.

Б.Абдураимов сўзга чиқиб, жамиятнинг 2023 йил учинчи чорак яқунлари бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари тўғрисида қуйидагиларни маълум қилди:

- жами даромад 5 469 963 минг сўмни ташкил этган ва ўтган йилнинг мос даврига (751 475 минг сўм) нисбатан 4 718 488 минг сўмга кўпайган бўлсада, белгиланган (9 551 339 минг сўм) режа 57,2 фоизга бажарилган;

- соф тушум 2 454 940,2 минг сўмни ташкил этган, белгиланган (4 189 875 минг сўм) режа 58,5 фоизга бажарилган;

- маҳсулотлар (хизматлар) таннархи 3 020 682,2 минг сўмни ташкил этган ёки таннархнинг соф тушумдаги улуши 123 фоизни ташкил этган;

- давр харажатлари 1 954 095 минг сўмни ташкил этган ва ўтган йилнинг мос даврига (501 749 минг сўм) нисбатан 1 452 346 минг сўмга кўпайган, белгиланган (1 588 623 минг сўм) режага нисбатан 123 фоизга ошган;

- соф фойда 420 908 минг сўмни ташкил этган ва ўтган йилнинг мос даврига (230 209 минг сўм) нисбатан 190 699 минг сўмга (82,8 фоизга) кўпайган, белгиланган (1 251 293 минг сўм) режа 33,6 фоизга бажарилган;

- дебиторлик қарздорлиги 5 954 565 минг сўмни ташкил этган ва йил бошига (21 311 992 минг сўм) нисбатан 15 357 427 минг сўмга (72 фоизга) камайган;

- кредиторлик қарздорлиги 1 219 696 минг сўмни ташкил этган ва йил бошига (570 334 минг сўм) нисбатан 649 362 минг сўмга (113,8 фоизга) кўпайган.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – Б.Рустамов, Т.Алибеков, Ж.Бойсинов, Ш.Абдиқаримов, У.Асроров

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

**2. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2024 йил учун бизнес-режасини маъқуллаш тўғрисида”ги иккинчи масала** юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб, кузатув кенгаши аъзоларидан “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2024 йилга мўлжаллаб ишлаб чиқилган бизнес-режаси лойиҳасини кўриб чиқиб, ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

У.Асроров “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2024 йилга мўлжаллаб ишлаб чиқилган бизнес-режаси Ўзбекистон Республикаси Давлат активлари агентлиги томонидан давлат улуши мавжуд бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик субъектлар бизнес-режаларини тузиш бўйича тайёрланган методик тавсияларни ҳисобга олган ҳолда тайёрланганлигини қайд этди.

Б.Абдураимов, жамият 2024 йилда 8 354 928 минг сўм даромад қилиб, давлат бюджетига 2 560 500 минг сўм солиқ тўлаш ва молиявий йилни 604 339 минг сўм соф фойда билан яқунлаш режалаштирилганлигини маълум қилди ва кузатув кенгаши аъзоларидан “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2024 йилга мўлжаллаб ишлаб чиқилган бизнес-режасини маъқуллашни сўради ва қарор қабул қилиш учун жамиятнинг ягона акциядори Давлат активларини бошқариш агентлигига киритишни таклиф қилди (Бизнес-режа лойиҳаси баённомага илова қилинади.).

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – Б.Рустамов, Т.Алибеков, Ж.Бойсинов, Ш.Абдиқаримов, У.Асроров

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ



**3. Кун тартибидаги “Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ мажбурий аудит текшируви ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларини молиялаштириш миқдорини белгилаш тўғрисида”ги учинчи масала юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқди ва қуйидагиларни маълум қилди.**

“Ангрен логистика маркази” АЖ ягона акциядорининг 2023 йил 27 июндаги “Ангрен логистика маркази” акциядорлик жамиятининг 2022 йил молиявий-хўжалик фаолияти натижаси тўғрисида”ги 87/09-2қг–сонли қарори билан жамият ижро органига жамиятнинг 2023 йил учун молиявий-хўжалик фаолиятининг мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини “Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни талабларига мувофиқ электрон савдолар биржаси орқали аниқлангандан сўнг кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига киритиш вазифаси юклатилган.

2023 йил 1 ноябрь куни “Ангрен логистика маркази” АЖ томонидан ХТ-ХАРИД электрон савдо платформасида 2079806-лот билан жамиятнинг 2023 йил учун молиявий-хўжалик фаолиятини мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун бошланғич контракт суммаси 25 000 000 сўм бўлган якуний аудиторлик хулосани тақдим этиш муддати 120 иш кунини белгиланиб 2023 йил 8 ноябргача танлов эълон қилинди. Танловда “ТТТ-AUDIT” МЧЖ контракт суммаси 21 000 000 сўм билан аудит текшируви якуни бўйича аудит хулосасини тақдим этиш муддати 120 иш куни ва “TAX AND FINANCE INTERNASIONAL” МЧЖ контракт суммаси 24 920 000 сўм билан аудит текшируви якуни бўйича аудит хулосасини тақдим этиш муддати 120 иш куни таклифи билан иштирок этди.

Т.Алибеков, танлов натижасида келиб тушган таклифлар жамият кузатув кенгаши ҳузуридаги аудит қўмитаси томонидан атрофлича кўриб чиқилганлигини маълум қилди ва “Ангрен логистика маркази” АЖнинг молиявий-хўжалик фаолиятини мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун танлов ўтказиш тўғрисида”ги низом талабларидан келиб чиқиб, жамиятнинг 2023 йилдаги фаолияти юзасидан халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ мажбурий аудит текширувини ўтказиш учун контракт суммаси 21 000 000 сўм бўлган танловда иштирок этган “ТТТ-AUDIT” МЧЖни танлаш ва қарор қабул қилиш учун жамиятнинг ягона акциядори Давлат активларини бошқариш агентлигига киритишни таклиф қилди.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – Б.Рустамов, Т.Алибеков, Ж.Бойсинов, Ш.Абдиқаримов, У.Асроров

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

**4. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖнинг ички аудит хизмати ходимлигига номзодларни кўриб чиқиш учун қайта танлов ўтказиш тўғрисида”ги тўртинчи масала юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб, жамият кузатув кенгашининг 2023 йил 22 сентябрдаги 2-сонли йиғилиш баёнини ижросини таъминлаш мақсадида “Ангрен логистика маркази” АЖнинг ички аудит хизмати ходимлиги учун ўтказилган танловда талабгорлар иштирок этмаганлигини маълум қилди.**

Ш.Абдуқаримов, белгиланган муддатда танловда иштирок этиш учун талабгорлар томонидан таклиф келиб тушмаганлиги муносабати билан кузатув кенгаши томонидан жамиятнинг ички аудит хизмати ходимлигига қайта танлов ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилишни, ички аудит хизмати ходимлигига номзод танлаш бўйича қайта эълон қонунчилик ҳамда жамиятнинг ички аудит ходимлиги учун танлов ўтказиш ва номзодларни танлаб олиш тўғрисидаги низом талабларидан келиб чиқиб белгилашни, танловда иштирок этиш учун талабгорлар томонидан тақдим этилган ҳужжатларни жамият кузатув кенгаши ҳузуридаги аудит қўмитаси томонидан кўриб чиқилганидан кейин кузатув кенгаши муҳокамасига киритишни таклиф қилди.



■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – Б.Рустамов, Т.Алибеков, Ж.Бойсинов, Ш.Абдикаримов, У.Асроров

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

**5. Кун тартибдаги “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодларни кўриб чиқиш учун қайта танлов ўтказиш тўғрисида”ги бешинчи масала юзасидан Ж.Бойсинов сўзга чиқиб, жамият кузатув кенгашининг 2023 йил 22 сентябрдаги 2-сонли йиғилиш баёнини ижросини таъминлаш мақсадида жамият кузатув кенгашининг мустақил аъзоси бўлишга номзодларни танлаш учун ўтказилган танловда талабгорлар иштирок этмаганлигини маълум қилди.**

Б.Абдураимов, белгиланган муддатда танловда иштирок этиш учун талабгорлар томонидан таклиф келиб тушмаганлиги муносабати билан кузатув кенгаши томонидан жамият кузатув кенгашининг мустақил аъзолиги учун **қайта танлов ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилишни**, мустақил аъзони танлаш бўйича қайта эълон қонунчилик ҳамда жамият кузатув кенгашининг мустақил аъзолиги учун танлов ўтказиш ва номзодларни танлаб олиш тўғрисидаги низом талабларидан келиб чиқиб белгилашни, танловда иштирок этиш учун талабгорлар томонидан тақдим этилган ҳужжатларни жамият кузатув кенгаши ҳузуридаги тайинловлар ва мукофотлаш қўмитаси томонидан кўриб чиқилганидан кейин кузатув кенгаши муҳокамасига киритишни таклиф қилди.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – Б.Рустамов, Т.Алибеков, Ж.Бойсинов, Ш.Абдикаримов, У.Асроров

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

**6. Кун тартибдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 июлдаги 5197-сонли “Электрон онлайн-аукционни ўтказиш тартибини соддалаштириш, унинг шаффофлигини ошириш ҳамда иштирокчилар ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини кафолатлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини ижросини ташкиллаштириш тўғрисида”ги олтинчи масала юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб, мазкур қарорда «E-auction» электрон савдо платформасида электрон онлайн-аукционни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини соддалаштириш ҳамда унификация қилиш, жараёнларнинг очиклиги ва шаффофлигини ошириш, иштирокчилар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, шунингдек, аҳолининг аукционда қатнашиши учун қулайликлар яратиш мақсадида қуйидаги қатъий қоидалар амалга киритилганлиги тўғрисида маълумот берди.**

Қарорнинг 1-бандига асосан 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб «E-auction» электрон савдо платформасидаги электрон онлайн-аукционлар тартиб-таомилларининг ягона тартиби жорий этилган ва унга мувофиқ:

жисмоний ва юридик шахслар томонидан объектларни аукционга чиқариш учун тўланадиган йиғим бекор қилинган;

аукцион ўтказиш тўғрисидаги хабар у ўтказиладиган кундан 30 кун олдин эълон қилинмоқда;

аукцион ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган пайтдан бошлаб аукцион жараёни якунига қадар иштирокчиларга объектни сотиб олиш бўйича аукцион қадамига боғланмаган ўз нарх таклифини киритиш ҳуқуқи берилган;

сотилган объектнинг қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг беш минг бараваригача бўлганда, тўловларни 10 иш куни, беш минг бараварига тенг ёки ундан ортиқ бўлганда тўловларни 15 иш куни мобайнида тўлаш имконияти яратилган;

аукционга чиқарилган объектларни сотишга ва олди-сотди шартномасини расмийлаштиришга фақат аукционда камида иккита иштирокчи қатнашганда рухсат берилган.



Мазкур тартиб қонунчилик ҳужжатлари билан электрон савдо платформаси орқали реализация қилиниши ёки ижарага берилиши белгиланган барча турдаги активларга нисбатан татбиқ этилган.

Қарорнинг 3-бандига асосан:

устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар, шунингдек, устав фондининг 50 фоизи ва ундан ортиғи 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улушига эга юридик шахсга тегишли бўлган юридик шахсларнинг (кейинги ўринларда — давлат иштирокидаги корхоналар) улушлари, кўчмас мулклари, автомобилотранспорт воситалари ҳамда бошқа асосий воситаларини реализация қилиниши ва давлат иштирокидаги корхоналар кўчмас мулклари, автомобилотранспорт воситалари ҳамда бошқа асосий воситаларини ижарага берилиши белгиланган.

Давлат иштирокидаги корхоналар томонидан:

кўчмас мулкларини ижарага беришда, уларнинг давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкалари, автомобилотранспорт воситаларини ижарага беришда жисмоний шахслар учун белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкалари миқдорида, бошқа асосий воситаларини ижарага беришда эса Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига белгиланган амортизациянинг камида йиллик энг юқори нормаси суммаси миқдорида бошланғич нархи белгиланиши қайд этилган;

кўчмас мулклари, автомобилотранспорт воситалари ҳамда бошқа асосий воситаларини ижарага бериш ёки уларни ва улушни реализация қилиш ҳамда электрон онлайн-аукцион натижалари тўғрисидаги маълумотлар ўзларининг расмий веб-сайтларига жойлаштирилиши кўзда тутилган.

Қарорнинг 5-бандига асосан 2022 йил 1 январдан бошлаб жисмоний ва юридик шахслар томонидан автомобилотранспорт воситаларини электрон савдо платформасидаги электрон онлайн-аукцион йўли билан ижарага беришда шартномаларни нотариал тасдиқлаш талаби бекор қилинган.

Бунда, электрон онлайн-аукцион натижасига кўра расмийлаштирилган баённома ижара шартномаси кучига эга бўлади.

Жамият кузатув кенгашининг 2022 йил 29 ноябрь кундаги 3-сонли йиғилиш баёни билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 июлдаги 5197-сонли “Электрон онлайн-аукционни ўтказиш тартибини соддалаштириш, унинг шаффофлигини ошириш ҳамда иштирокчилар ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини кафолатлаш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарорини ижро учун қабул қилиниб, унда ижро органига “Ангрен логистика маркази” АЖнинг асосий фаолиятда тўлиқ фойдаланилмаётган кўчмас мулк объектлари, носоҳавий кўчмас мулк объектлари ва сўнгги уч йилдан бери фойдаланилмаётган таъмирталаб автомобилотранспорт воситаларини белгиланган тартибда “E-auction” электрон савдо платформасига ижарага бериш учун савдога чиқариш ва асосий фаолиятда тўлиқ фойдаланилмаётган кўчмас мулк объектлари ва автомобилотранспорт воситаларини белгиланган тартибда ижарага бериш нархларини ишлаб чиқиб тасдиқлаш вазифаси юклатилган.

2023 йилнинг ўтган ўн оyi мобайнида жамиятнинг 477 дона жами баланс қиймати 110 565 339 140,08 сўм, амортизацияси 101 886 805 985,78 сўм, қолдиқ қиймати 8 678 533 163,30 сўм бўлган автотранспорт воситаларидан фойдаланишга яроқсиз, таъмирталаб 458 донасини “e-auction” электрон савдо платформаси орқали ижарага бериш учун савдога чиқарилган. Ижарага бериш учун савдога чиқарилган автотранспорт воситаларидан 1 дона автотягач ва 57 дона юк кўтарувчи ярим тиркамаларни бир йил муддатга ижарага берилган. Ижарага бериш учун савдога чиқарилган фойдаланишга яроқсиз, таъмирталаб 28 дона автосамосвал, 130 дона автотягач ва 241 дона юк кўтарувчи ярим тиркамаларни ижарага олиш учун талабгор топилмаган.



Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги 2023 йил 1 ноябрдаги 03/27-12/5539-сонли хат билан мурожаат қилиб, унда қарор ижросини ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлашни сўраган.

Б.Абдураимов юқорида қайд этилганларни инобатга олиб, “Ангрен логистика маркази” АЖнинг сўнгги уч йил мобайнида фойдаланилмаган таъмирталаб, автотранспорт воситаларини белгиланган тартибда “e-auksion” электрон савдо платформаси орқали реализация қилиш учун савдога чиқариш тўғрисида таклиф киритди.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – Б.Рустамов, Т.Алибеков, Ж.Бойсинов, Ш.Абдиқаримов, У.Асроров

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

Юқорида баён қилинганларга асосан “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши

### Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. “Ангрен логистика маркази” АЖ ижроия органининг 2023 йил учинчи чорак яқунлари бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

Жамият ижроия органи:

- 2023 йилнинг тўртинчи чорагига белгиланган бизнес-режа кўрсаткичларини тўлиқ ижросини таъминласин;

- 2023 йилнинг тўртинчи чорагига белгиланган бизнес-режа кўрсаткичларининг тўлиқ бажарилиши учун жавобгарлик шахсан “Ангрен логистика маркази” АЖ Бош директори Б.Абдураимов зиммасига юклатилсин.

2. “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2024 йилга мўлжалланган бизнес-режаси маъқуллансин ва қарор қабул қилиш учун жамиятнинг ягона акциядори Давлат активларини бошқариш агентлигига киритилсин.

3. “Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ мажбурий аудит текшируви ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларини молиялаштириш миқдорини белгилаш тўғрисида”ги масалани кўриб чиқиб қарор қабул қилиш учун жамиятнинг ягона акциядори Давлат активларини бошқариш агентлигига киритилсин.

4. “Ангрен логистика маркази” АЖнинг ички аудит хизмати ходимлиги учун ўтказилган танловда талабгорлар иштирок этмаганлиги сабабли танлов ўтказилмаган деб топилсин ҳамда қайта танлов ўтказилсин. Бунда:

[www.openinfo.uz](http://www.openinfo.uz) ва жамиятнинг [www.clangren.uz](http://www.clangren.uz) расмий веб-сайтлари орқали жамиятни ички аудит хизмати ходими бўлиш учун номзодларга қўйиладиган талаблар асосида эълон берилсин;

жамиятнинг ички аудит хизмати ходимлигига ўтказиладиган танловда иштирок этиш учун талабгорларга 2023 йил 31 декабрга қадар муддатда шахсий ҳужжатларини жамиятнинг [clangren@bk.ru](mailto:clangren@bk.ru) расмий-электрон манзили орқали тақдим этишлари мумкинлиги тўғрисида маълум қилинсин;

танлов ўтказиш бўйича эълон иловага мувофиқ тасдиқлансин;

танловда иштирок этиш учун талабгорлар томонидан тақдим этилган ҳужжатларни жамият кузатув кенгаши ҳузуридаги аудит қўмитаси томонидан кўриб чиқилганидан кейин кузатув кенгаши муҳокамасига киритилсин.

5. Кузатув кенгашининг мустақил аъзолиги учун ўтказилган танловда талабгорлар иштирок этмаганлиги сабабли танлов ўтказилмаган деб топилсин ҳамда кузатув кенгашининг мустақил аъзолиги учун танлов ўтказиш ва номзодларни танлаб олиш тўғрисидаги низом ва устав талабларига мувофиқ қайта танлов ўтказилсин. Бунда:



www.openinfo.uz va jamiatning www.clangren.uz rasmiy veb-saitlari orqali jamiat kuzatuv kengashining mustaqil aъzosi bўlishga nomzodlarga kўyiladigan talablar asosida эълон берилсин;

jamiat kuzatuv kengashining mustaqil aъzoliigiga ўtkaziladigan tanlovda ishтирок этиш учун талабгорларга 2023 йил 31 декабрга қадар муддатда шахсий хужжатларини jamiatning [clangren@bk.ru](mailto:clangren@bk.ru) rasmiy-электрон манзили орқали тақдим этишлари мумкинлиги тўғрисида маълум қилинсин;

танлов ўтказиш бўйича эълон иловага мувофиқ тасдиқлансин;

танловда ishтирок этиш учун талабгорлар томонидан тақдим этилган хужжатларни jamiat kuzatuv kengashi хузуридаги тайинловлар ва мукофотлаш кўмитаси томонидан кўриб чиқилганидан кейин kuzatuv kengashi муҳокамасига киритилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 июлдаги 5197-сонли “Электрон онлайн-аукционни ўтказиш тартибини соддалаштириш, унинг шаффофлигини ошириш ҳамда ishтирокчилар ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини кафолатлаш чоратadbирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлансин.

“Ангрен логистика маркази” АЖнинг балансидаги сўнгги уч йил мобайнида фойдаланилмаган ва таъмирталаб автомобилотранспорт воситаларининг техник созлигини белгиланган тартибда хатловдан ўтказиб далолатномалар тузиб рўйхати шакллантирилсин.

Сўнгги уч йил мобайнида фойдаланилмаган ва таъмирталаб автомобилотранспорт воситаларини белгиланган тартибда баҳоловчи ташкилотлар билан шартнома тузиб баҳолаттириш ва “E-auksion” электрон савдо платформасига реализация қилиш учун савдога чиқариш масаласини кўриб чиқиб қарор қабул қилиш учун jamiatning ягона акциядори Давлат активларини бошқариш агентлигига киритилсин.

Кuzatuv kengashi раиси

Б.Рустамов

Кuzatuv kengashi aъзоси

Т.Алибеков

Кuzatuv kengashi aъзоси

Ж.Бойсинов

Кuzatuv kengashi aъзоси

Ш.Абдикаримов

Кuzatuv kengashi aъзоси

У.Асроров

Баённома имзоланган сана: 2023 йил 29 ноябрь

